

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАЗРАТОВ АЛИШЕР ИСАМИДДИНОВИЧ

**ЙЎҒОН ИЧАК РАКИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ОҒИЗ
БЎШЛИҒИНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИ
(клиник-экспериментал тадқиқот)**

14.00.21- Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД- 2021

Фалсафа доктори(PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy(PhD)

Хазратов Алишер Исамиддинович

Йўғон ичак раки билан оғриган беморларда оғиз бўшлиғининг 3
морфофункционал ҳолати (клиник-экспериментал тадқиқот).....

Хазратов Алишер Исамиддинович

Морфофункциональное состояние полости рта у больных раком толстой
кишки (клинико-экспериментальное исследование)..... 25

Khazratov Alisher Isamiddinovich

Morphofunctional state of the oral cavity in patients with colon cancer
(clinical and experimental study) 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 50

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАЗРАТОВ АЛИШЕР ИСАМИДДИНОВИЧ

**ЙЎҒОН ИЧАК РАКИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ОҒИЗ
БЎШЛИҒИНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИ
(клиник-экспериментал тадқиқот)**

14.00.21- Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД 2021

Фалсафа доктор (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1253** рақам би. рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.sammi.uz) ва «Ziyouet» ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ригзасв Жасур Алимжанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

**Норданавили Андрей
Константинович(Россия)**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Юлдашев Абдуазим Абдуваҳшевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тоқан тиббиёт маркази (Япония)

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт институтидаги хузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «19» NOV соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66, факс: 66233775 (366); e-mail: sammi@sammi.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институтининг ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (№ _____ билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366)).

Диссертация автореферати 2021 йил « ____ » _____ тарқатилди.

(2021 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Г.У. Лутфуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
урифтюрлари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Г.У. Самиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Қ.Э. Шомуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда онкологик касалликларни эрта босқичларида даволаш мақсадида тиббиёт амалиётида йўғон ичак раки касаллигининг эрта ривожланишига олиб келувчи сабабларни, хавф омилларини билиш, касалликнинг дастлабки клиник белгиларини аниқлаш ва ривожланиб боришининг олдини олиш орқали касалликни башоратлаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда ЖССТ маълумотларига кўра дунёда ҳар йили 600 мингтагача йўғон ичак саратони бўйича янги ҳолатлар рўйхатга олиниб, шундай ҳолатларнинг ярми ўлимга олиб келади. Оғиз бўшлиғидаги бактериялар молекулалар чиқариши ҳисобига йўғон ва тўғри ичак ўсмалари ўсишини тезлаштиради. ОБШҚ организмнинг энг муҳим қисмларидан ҳисобланиб, инсон ҳаёти давомида химоя вазифасини бажариб келади.¹ Йўғон ичак ракида ОБШҚнинг морфо-функционал ҳолатини ўзгаришини ўрганиш ва даволаш усулларини такомиллаштириш амалий жиҳатдан замон талаби бўлиб қолмоқда.

Дунё бўйлаб кенг тарқалган йўғон ичак раки касаллиги билан оғриган беморларда касалликни эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йўғон ичак ракиннинг эрта ташхислаш, клиник кечишини башоратлаш, шунингдек, оғирлик даражасига таъсир қилувчи хавф омиллар, коморбид ҳолатлари, биокимёвий хусусиятлари ва уларнинг клиник кўринишлар билан боғлиқлигини асослашдан иборат. Касалликка эрта ташхис қўйиш, унинг келиб чиқиши ва ривожланишининг асосий сабабларини аниқлаш, оғиз бўшлиғи патологияларининг йўғон ичак ракига боғлиқлиги, ушбу касалликка чалинган беморларнинг оғиз бўшлиғи ҳолати асосида эрта ташхислаш тизимини ишлаб чиқиш ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш, хусусан, саратон касалликни стоматологик статус ёрдамида эрта ташхислаш ва профилактикасини такомиллаштириш, ҳамда онкостоматологик хизматни дунё стандартлари даражасигача етказишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш бўйича чора – тадбирларида “...Аҳолига сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш...”² каби вазифалари белгиланган. Бундан чиқиб келган ҳолда замонавий тиббий ёрдамни даражасини ошириш, аҳоли орасида йўғон ичак раки билан оғриган беморларнинг стоматологик касалликларига қараб саратоннинг эрта босқичларида ташхислаш ва даволаш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш учун чуқур илмий тадқиқотларнинг устувор

¹Вагнер В.Д., Ивасенко П.И., Анисимова И.В. «Онкологическая настроженность в практике врачестоматолога». – Москва, Медицинская книга, 2010. – 142 с.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, ЎЗР Қонун Хужжатлари тўплами 2017 йил.

йўналишини белгилайди. Бугунги кунда йўғон ичак ракини оғиз бўшлиғи кўрсаткичлари асосида диагностик кўрсаткичларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ - 4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ – 5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 20 июлдаги ПҚ-3071-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни, келгусида ривожлантириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганганлик даражаси. Жаҳон тиббиёт адабиётларини таҳлил қилиш натижасида, йўғон ичак раки билан оғриган беморларни эрта босқичларида ташхислашда оғиз бўшлиғи ҳолати (стоматологик статуси) ўрганилаётганлиги ҳақида маълумотлар топилмади.

Маълумки, канцероген таъсир нейроэндокрин ва иммун тизимидаги кўрсаткичларнинг ўзгариши кўзгу сифатида оғиз бўшлиғида намоён бўлиши мумкин (М.А. Забежинский, 2011). Ўсмалар иммун тизимининг жиддий бузилишлари фонида ривожланади деган маълумотлар ҳам бор. Бунда тўпланган маълумотлар замонавий онкологиянинг алоҳида илмий йўналиши – хавфли ўсиш иммунологияси ривожланишига олиб келди, бу ҳам маҳаллий, ҳам хорижий тадқиқотчиларнинг тинимсиз меҳнати туфайли шаклланган (О.Е.Молчанов, 2002). Аммо адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу канцерогенлар, экзоген омиллар натижасида йўғон ичак раки ривожланаётган ёки равожланиб бўлган даврда беморларнинг оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг морфофункционал ҳолати ўрганилмаган. Ривожланган мамлакатларда ўлим кўрсаткичлари орасида хавфли ўсмалар учинчи ўринни эгаллайди ва уларни ўсиб бориш тенденцияси 13%ни ташкил этади (Макеева И.М., 2012). Хавфли ўсма билан касалланган беморлар контингенти аҳолини 1,4% ни ташкил қилиши мумкин (Гилева О.С., 2013; Косюга, С.Ю., 2013). Шубҳасиз, хавфли ўсмалар организмга комплекс таъсир кўрсатади. Ўсма ривожланиши ва жараённинг кучайиб боришини умумий механизми тўғрисида, ва ҳозирги кунга келиб молекуляр ва клиник онкология бўйича жуда катта маълумот йиғилган ва бу тегишли бўлган соҳаларда қўлланилмоқда (Зыкова Е.А., 2016). Кўп ҳолларда стоматологик касалликлар соматик касалликларнинг белгиси бўлиши мумкин ва организм умумий ҳолатининг кўзгуси ҳисобланади (Успенская О.А. ва ҳаммуаллифлар, 2015, 2018). Кўпинча оғиз бўшлиғининг клиник белгилари организмдаги у ёки бу

касалликларнинг биринчи симптоми бўлиши мумкин (Успенская О.А. ва ҳаммуаллифлар, 2013). Шунинг учун, тизимли патологияларни эрта аниқлаш мақсадида стоматологик касалликларни ташхислаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бизнинг мамлакатимизда онкологик касалликлар, шу билан бирга йўғон ичак ўсмаси фонида стоматологик касалликларни даволаш ва олдини олиш борасида эришилган ютуқларга қарамасдан, ушбу масала бўйича ташхислаш, даволаш ва олдини олиш усуллари такомиллаштириш зарур.

Адабиётлар тахлили шуни кўрсатдики, бугунги кунда ўсма касалликларида оғиз бўшлиғи стоматологик касалликларнинг кўп учраётганлиги кузатилмоқда. Шу сабабли, онкологик касалликларни эрта ташхислаш ва йўғон ичак раки билан оғриган беморларда стоматологик касалликлар ривожланишини камайтириш мақсадида дифференцирлашган даво-профилактика комплекс чораларини программасини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 0120000260 «Юқумли ва юқумли бўлмаган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инсон организми касалликларининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги хўжалик илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади йўғон ичак раки бўлган беморларда оғиз бўшлиғи тўқималарининг структур-функционал ҳолатини эрта ташхислаш усуллари такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

йўғон ичак ўсмаси бўлган беморларда оғиз бўшлиғи аъзоларини зарарланиш частотасини ретроспектив тахлилни ўтказиш;

йўғон ичак ўсмаси бўлган беморларда оғиз бўшлиғининг ҳолатини (стоматологик статус) ва уни асосий касалликнинг давомийлигига боғлиқлигини аниқлаш;

экспериментал канцерогенез фонида хужайра мембранасининг ўзгаришларини намоён бўлиш даражаси ва хужайра ичи органеллалари ҳолатини белгилаш мақсадида оғиз бўшлиғи тўқималаридаги субмикроскопик ўзгаришларини аниқлаш;

йўғон ичак ўсмаси бўлган беморларда қон зардобининг иммунологик кўрсаткичларини баҳолаш;

йўғон ичак ўсмасида оғиз бўшлиғининг структур-функционал ҳолатини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд давлат тиббиёт институти клиникаси ва Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази Онкология ва радиология тиббиёт маркази Самарқанд филиалида даволанган 18 ёшдан 74 ёшгача бўлган 66 та бемор олинди, уларнинг 45 нафари йўғон ичак раки билан оғриган беморлар, 21 нафари йўғон ичак раки бўлмаган

беморлар ва экспериментал тадқиқотлар учун тана массаси ($175,0 \pm 4,2$) бўлган 168 та жинсий етилган эркак жинсдаги оқ каламушлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини сифатида йўғон ичак раки билан оғриган беморларнинг оғиз бўшлиғи стоматологик кўрсаткичларни, цитологияси, сўлаги ва экспериментал тадқиқот ҳайвонларининг ОБШҚ тўқимаси ташки этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ретроспектив, клинко-стоматологик, биохимик, гистологик, цитологик, экспериментал (тажриба), ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадиққотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

йўғон ичак раки мавжуд беморларда оғиз бўшлиғи сўлак ёпишқоқлигининг пасайиши ва кислотали мухитнинг ортиши ҳисобига яллиғланиш жараёнлари ва иммунологик беқарорлик кузатилиши аниқланган; онкотоксикация таъсирида қондаги IgA, IgG, IgMларнинг миқдори ўзгариши оғиз бўшлиғи тўқималарида патологик жараён ривожланиши билан кечиши исботланган;

беморларнинг оғиз бўшлиғида агрессив пародонтитларни ва ОБШҚ ярали-некротик кўрсаткичлари прогностик кўрсаткич сифатида қўллаш мумкинлиги исботланган;

илк бор моделлаштирилган экспериментал каламушларда канцерогенез шароитида йўғон ичак раки чақирилиб, ОБШҚда яққол морфо-функционал бузилишлар ва иммун тизимининг омилларини беқарорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

йўғон ичак раки касаллигини олдиндан башорат қилиш, касалликни олдини олиш учун стоматологик кўрсаткичларга асосланган таклифлар ва тавсиялар берилган;

илк бор йўғон ичак раки ривожланиши патогенезининг эрта аниқлаш имконини берувчи оғиз бўшлиғи ва иммун тизимининг ҳолати кўрсаткичлари баҳоланган;

йўғон ичак ракида оғиз бўшлиғи ҳолатани ўрганишда экспериментал канцерогенез шароитидан каламушларни модел сифатида қўллаш имконини берган;

иммунологик ва морфологик тадқиқотлар натижалари асосида йўғон ичак раки касаллиги профилактикаси, даволаш ва касалликни эрта башорат қилиш учун прогностик алгоритм ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий ишда қўлланиладиган замонавий усул ва ёндашувларнинг асослилиги, ҳисоблаб олинган маълумотларни назарий маълумотларга мослиги, ўтказилган текширувларнинг аниқлиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, тиббий-статистик материалларни клиник, биохимиявий, цитологик ва статистик усуллар билан асосланганлиги, натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар ишлари билан солиштирилганлиги, олинган хулоса ва натижаларни ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, оғиз бўшлиғи тўқималарининг структур-функционал бузилишлари диагностикаси бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш, йўғон ичак раки бўлган беморларда стоматологик касалликларни патогенетик хусусиятларини аниқлаш ва олдини олиш ахборот базаси сифатида аҳмияти билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қўлга киритилган натижалар асосида ўсма касаллиги мавжуд беморларда касалликни эрта босқичларида ташхислаш, стоматологик касалликлар олдини олиш жараёнларини такомиллаштириш, моделлаштирилган ҳолда каламушларда оғиз бўшлиғи аъзо ва тўқималарининг ҳолатини аниқлаш мумкинлиги билан ифодаланади. Ушбу натижалар ёрдамида, йўғон ичак раки мавжуд беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ва касалликни эрта ташхислашга эришилганлиги билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўп омилли касаллик ҳисобланган йўғон ичак ракини эрта ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришни баҳолаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

касалликни хавф омилларини, ОБШҚнинг функционал ва морфологик кўрсаткичлари ҳолатидан келиб чиқиб касалликни эрта босқичларида аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида “Экспериментал канцерогенезда метаболит бузилишлар” мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 8н-р/475-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши йўғон ичак саратонида хавф омилларини ўз вақтида аниқлаш асосида касалликни эрта ташхислаш ва асоратларининг олдини олиш имконини берган;

йўғон ичак ракида ОБШҚнинг функционал ва морфологик кўрсаткичлари ҳолати касалликни эрта ташхислаш, хавф омилларини ва коморбид ҳолатларни аниқлаш, даволашда дастурлаштирилган тизимнинг самарадорлигини оптималлаштириш бўйича илмий натижалар, соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббий маркази ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббий марказининг Самарқанд филиали клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 8н-д/216-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг тиббий амалиётга татбиқ этилиши йўғон ичак раки касаллигида ташхислаш сифатини яхшилаш, даволаш жараёнида ихтисослашган юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатишни сезиларли даражада кенгайтирилиши касаллик асоратлари 1,5 бараварга камайтириш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та, яъни, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертацияни тузилиши ва хажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация хажми 120 варақдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб асосланган, мақсад ва вазифалар аниқ кўрсатилган, текшириш объекти ва предмети ҳақида характеристика берилган, тадқиқотни Ўзбекистон Республикасининг илмий ва технологик ривожланишининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалар белгиланган, иш натижаларини амалий ва илмий аҳамияти очиқ берилади, тадқиқот натижаларини амалиётга киритиш бўйича, мавзу бўйича нашр этилган мақолалар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича адабий манбаларнинг таҳлили келтирилган, бунда маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг ошқозон–ичак тракти ва йўғон ичак раки касалликларида оғиз бўшлиғи ҳолати, экспериментал канцерогенезда морфологик ва молекуляр ўзгаришлар, сурункали неопластик интоксикацияларда метаболик бузилишлар ҳақидаги маълумотлари таҳлил қилинган. Касалликнинг олдини олиш ва даволаш борасидаги камчиликлари ва афзалликлари таҳлил қилиниб, муаммонинг топилган ва топилиши керак бўлган муаммолар кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг иккинчи **“Тадқиқот материаллари, клиник тавсифи ва усуллари”** номли бобида асосий материал ва текшириш усуллари келтирилган.

Ретроспектив таҳлил учун Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалидаги 745 та касаллик тарихи ва шифохонада йўғон ичак раки ташхиси билан даволанган 45 та беморларнинг ва таққослаш гуруҳи учун СамДТИ клиникасидаги онкологик касаллиги йўқ 21 нафар беморларнинг натижалари олинган.

Пародонт тўқимасининг ҳолати Х.П. Камиллов ва О.Е. Бекжанова таклиф этган, комплекс текширувларга асосланиб пародонт тўқимасининг умумий ҳолатини баҳолаш имконини берадиган умумий оғирлик индекси (УОИ)га, Грин-Вермилльон - ОНІ-S (GreenVermillion кенгайтирилган ва содалаштирилган модификацияси, 1964) бўйича гигиеник индекс, Коуэлл (Cowell I, 1975) модификацияси асосида Мюллеман (Muhlemann, 1971) усули бўйича милклардан қонаши индекси милклардан қон кетишини баҳолаш учун, СРІТN (пародонт касалликларини даволашга муҳтожлик индекси) индекси, рентгенография ва лазерли доплер флоуметрия текшириш усуллари асосланиб баҳоланди.

Цитологик текширишлар учун фронтал ва чайнов тишлар соҳасидаги милклар шиллик пардасидан суртма олинди (ҳар бир бемордан 6 та из олинди).

Экспериментал текширувлар стандарт виварий шароитларда сақланаётган, 168 та тана вазни ($175,0 \pm 4,2$) бўлган жинсий етук оқ эркак каламушларда И.Я. Горбачев номидаги Тернополь миллий тиббиёт университетининг (Украина) илмий-текшириш лабораториясида ўтказилди. Таҷрибадаги ҳайвонларда барча муоложалар “Тадқиқот ва бошқа илмий мақсадларда фойдаланиладиган умуртқали ҳайвонларни ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси” қоидаларига, ҳамда “Лаборатория ҳайвонларини парвариш қилиш ва улар билан ишлаш бўйича илмий ва амалий тавсиялар” га риоя қилинган ҳолда бажарилди.


Канцерогенез 1,2-диметилгидразин дигидрохлоридни (ДМГ) (Sigma-aldrich chemie фирмаси, Япония) натрий хлорни изотоник эритмасида эритилиб инекция усули билан моделлаштирилди. Канцероген кураклар ораси тери остига 7,2 мг/кг дозада ҳафтада 1 марта 30 ҳафта давомида, ҳайвоннинг 10 грамм тана массасига 0,1 мл эритма миқдорида аниқ ҳисоблаб ДМГ эритмаси юборилди.

Гистологик текшириш учун ОБШҚ (оғиз бўшлиғи шиллик пардаси) тўқимасидан бўлакча олинди формалиннинг 10%ли нейтрал эритмасида фиксация қилинди, спирт концентрацияси ошириб борилиб дегидратация ўтказилди, парафин блокларига қуйилди. Қалинлиги 5-6 мкм бўлган кесмалар тайёрланди, гематоксилин-эозин билан бўялди, Гордон-Свитс усули бўйича кумуш билан сингдирилди, бириктирувчи тўқима ҳолатини текшириш учун MSB (ОКГ) усулида бўялди. Гистологик препаратлар ЛОМО Биолом ёруғлик микроскопида ўрганилди ва Vision CCD Camera видеокамераси ёрдамида фотосуратлар билан ҳужжатлаштирилди.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш вариацион статистика усулида амалга оширилди. Фарқларнинг ишончлилиги Стьюдент мезони ёрдамида, ишонччилик чегараси 95% ($p < 0,05$) ни ташкил этган ҳолда бажарилди.


Диссертациянинг «**Йўғон ичак раки бўлган беморларда оғиз бўшлиғи ҳолатини клиник ва морфологик характеристикаси**» номли учинчи бобида ретроспектив ва клиник таҳлил натижаларига асосланиб унинг морфологик характеристикаси, йўғон ичак ўсмаси бўлган беморларда оғиз бўшлиғи аъзоларининг ҳолати ва стоматологик статуси, ОБШҚнинг гистологик ва цитологик суратлари баҳоланди.

Ретроспектив таҳлил асосида колоректал раки(КР) ташхиси мавжуд 745 та касаллик тарихи ўрганилганда атиги оғиз бўшлиғи касалликлари мавжуд 48 нафар беморларнинг шикоятлари сабабли стоматологик кўрик ўтказилган. Касаллик анамнезига кўра беморлар оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари, жумладан гиперемия, стоматит, пародонтит, пародонтоз, милк қонаши, тиш ҳаракатчанлиги, галитоздан шикоят қилганлар. 697 нафар бемор стоматолог томонидан текширилмаган (1-расм).



1-расм. КР беморларининг ретроспектив таҳлили

Ретроспектив таҳлили маълумотлари шуни кўрсатадики, фақат қаттиқ оғриқ, безовталиқ шикоятлари билан беморлар стоматологлар томонидан кўрик ўтказилган. Бу онкологлар оғиз бўшлиғи касалликларга етарлича эътибор бермаганлигини исботлайди. Ретроспектив таҳлилда оғиз бўшлиғи шикоятидан ташқари, йўғон ичак ракиннинг турлари ҳам ўрганилди (2-расм).



2-расм. КР топографияси бўйича тақсимланиши. 1-Кўр ичак; 2-Кўтарилувчи чамбар ичак; 3-Кўндаланг чамбар ичак; 4-Тушувчи чамбар ичак; 5-Сигмасимон ичак; 6-Тўғри ичак.

Ретроспектив таҳлилдан сўнг Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали клиникасида даволанаётган 45 нафар бемор ҳамда СамДТИ клиникасида даволанаётган онкопатологиясиз 21 нафар бемордан иборат таққослаш гуруҳида текширувлар ўтказилди. Беморларнинг стоматологик статуси, ОБШҚ ҳолатини, пародонт тўқимасининг ҳолатини ўргандик.


Йўғон ичак раки бўлган беморларнинг оғиз бўшлиғи шиллиқ кавати патологияларини текшириш давомида шу аниқландики, оғиз бўшлиғи шиллиқ кавати патологияларидан энг кўп ипсимон сўрғичлар гиперплазияси (38,2%), “географик” тил (11,2%), тил сўрғичлари атрофияси (2,8%), оғиз шиллиқ кавати кандидози – 2,9% ва лейкоплакия 2,7% тарқалганлиги аниқланди.

ОБШҚ ҳолатини ўрганиш мобайнида йўғон ичак раки мавжуд беморларда СҚАС (сурункали қайталанувчи афтоз стоматит) аниқланди, бу аёлларда ва эркакларда бир хил учраши кузатилди. Йўғон ичак ўсмаси бўлган жами беморларнинг 24 та (53,4%) эркакларда ва 21 та (46,6%) аёлларда СҚАС (сурункали қайталанувчи афтоз стоматит) кузатилди. Ёшга нисбатан олганда

СҚАС (сурункали қайталанувчи афтоз стоматит) ёшларга нисбатан, 50 ва ундан катта ёшдаги беморларда кўпроқ (59,9%) учради.

СҚАС (сурункали қайталанувчи афтоз стоматит) билан оғриган бемор 2 гуруҳга ажратилди: асосий ва назорат гуруҳи. Асосий гуруҳга СҚАС (сурункали қайталанувчи афтоз стоматит)+коллатерал рак билан оғриган 45 та бемор бор эди, улардан 15 (33,3%) таси енгил даражали, 17 киши (37,7%) ўрта оғирликдаги ва 13 киши (28,9%) оғир даражалилиги аниқланди;

Солиштириш (назорат) гуруҳида 21та онкологик касаллиги бўлмаган беморларнинг 6 нафарида (28,5%) енгил шакли, 4 нафарида (19,05%) ўрта оғир, 1 нафарида (4,76%) оғир шакли (10 нафарда кузатилмаган) кузатилди (3-расм).



3-расм. СҚАСнинг КР беморларида тарқалиши


Касалликнинг давомийлиги 1 йилгача бўлган СҚАС касаллиги бор беморларда касаллик кўпинча енгил шаклда кечиб, кўп холларда олдинги лунж ва лаб соҳалари шиллиқ қавати зарарланиши кузатилди. Анамнезидан 3 ёки ундан кўп йилгача бўлган беморларда СҚАС касалиги оғир даражада ва кўпинча тез-тез қайталанишлар билан кечади. Бундай ҳолларда морфологик элементлар кўпинча оғиз тубида, тил учида ва ОБШҚнинг ўтув бурмаларида жойлашган.

Бизнинг текширувлар СҚАС ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари кўп холларда иккита соҳада жойлашишини кузатилди 1) типик жойлашиши – лунжнинг олдинги қисми; юқори лаб; 2) пастки лабнинг вестибуляр юзаси, ОБШҚнинг бошқа соҳаларда СҚАС кам миқдорда учраши кузатилди. (4-расм).




4-расм. СҚАС пастки лаб (а) ва тилдаги(б) жойлашиши.

5-расмдан кўриниб тупубди, лунж ва юқори лаб 46,6% ҳолларда, пастки лаб – 40% ҳолларда, 6,7% ҳолларда тил ости соҳаси, 6,7% ҳолларда тил учи зарарланган. Оғиз бўшлиғининг бошқа соҳалари кам ҳолларда зарарланган (қаттиқ танглай, милк, ўтув бурмалар).



5-расм. СҚАС оғиз бўшлиғи шиллиқ каватида жойлашиши

Йўғон ичак раки билан касалланган беморларда стоматологик статусни ўрганиш жараёнида КПУ индекси шуни кўрсатдики, онкожараённинг босқичига боғлиқ бўлмаган ҳолда барча беморларда кариеснинг турли босқичлари кузатилиши аниқланди. (6-расм).



6-расм. ҚР касаллардаги КПУ индекси кўрсаткичи

Стоматологик статус кўрсаткичлари ва КПУ индекси беморларда тишнинг қаттиқ тўқимасида сезиларли тафовут йўқлигини кўрсатди.

ҚР касалларнинг пародонт тўқимасини ўрганиш давомида, йўғон ичак раки касалларнинг пародонт деструкцияси (ПИ индекси) таққослаш гуруҳи (патологиясиз) кўрсаткичларидан кескин юқорилигини 154,2% ($P < 0,01$); гингивит индекси (ПМА) – 91,91% ($P < 0,01$); оғиз бўшлиғи гигиенаси (ОПЛ-ОНИ-S) – 67,9% ($P < 0,01$) ва милклардан қон келиши индекси (Мюллерцан индекси) – 116,9% ($P < 0,01$) кўрсатди.

Касаллик муддатининг ортиб бориши билан пародонт тўқимасининг яллиғланиш-деструктив зарарланишининг кучайиши аниқланди.

Шундай қилиб, беморларда ПИ индексининг қиймати касалликнинг давомийлиги ортиб бориши билан назорат гуруҳига нисбатан 1 йилгача 2 марта; 1-3 йилда 2,43 мартага ва 3 йил ва ундан ортиқ вақтда 2,87 мартагача ошди; ПМА индекси учун тегишли динамика 1,42, 1,88 ва 2,22 марта; оғиз бўшлиғи гигиенаси ОНІ-S индекси – 1,26; 1,7 ва 2 марта, милклардан қон кетиш индекси 1,86; 2,11 ва 2,47 марта ошиши кузатилди (2-жадв.).

Онкопатология билан боғлиқ пародонтитнинг клиник хусусияти зарарланишнинг эрозив (деструктив) табиати, юқори қон кетиши, пародонтал комплекснинг деструктив жараёнларни кучайиши ва оғиз бўшлиғи гигиенасининг пастлиги, бу тизимли инфицирланишнинг юқорилигини ва махсус пародонтал парваришга бўлган эҳтиёжни кўрсатади.

Йўғон ичак ракиннинг резистентлиги юқорилиги вақтида пародонтал комплекснинг бузилиши унинг, шубҳасиз, клиник кечишининг оғирлигини, касалликнинг даволаш ва прогнозининг самарадорлигини аниқлаши мумкин.

Йўғон ичак ракида пародонтал комплексининг бузилиши резистентликга боғлиқ бўлиб, касалликнинг клиник оғирлик даражасини, даволашнинг эффективлигини ва эрта ташхислаш учун кўллаш мумкин.

2-жадвал

Касалликнинг давомийлигига қараб пародонтнинг яллиғланиши, деструкцияси, гигиена ва қон кетиш индекслари

Гуруҳ	ПИ, балл	ПМА, %	ОНІ-S, балл	Қон кетиши, балл
Назорат n=21	2,65±0,15	35,25±1,66	2,87±0,14	1,42±0,10
Йўғон ичак раки билан оғриган беморлар n=45				
До1года n=10	5,28±0,22°	50,24±2,32°	3,62±0,15°	2,65±0,11°
1-3года n=17	6,44±0,31° ^Δ	66,31±3,11°	4,88±0,21°	3,00±0,14°
>3лет n=18	7,62±0,42° ^{Δ,X}	78,45±3,62° ^{Δ,X}	5,81±0,27° ^{Δ,X}	9,52±0,17° ^{Δ,X}
Всего n=45	6,66±0,22°	67,65±23°	4,82±0,22°	3,08±0,11

Эслатма: - P<0,05 назорат учун

^Δ P<0,01 1- йилга нисбатан

^X P<0,01 1-3 йилга нисбатан

Пародонт касалликларини ўрганиш жараёнида касалликнинг кечишининг рецидивланиши ва прогрессланишини кўрсатди ва уларни даволашда стоматолог ва онколог мутахассислари биргаликдаги кўрикни талаб этади.

Йўғон ичак раки мавжуд беморларни ЛДФ-метрия вақтида монотонли эгрилик, тўқимада қон оқишининг кескин пасайиши, тўқиманинг қон билан перфузиясининг кескин бузилганлигини кўрсатди ва бу эса текширув гуруҳига нисбатан микроциркуляциянинг оғир бузилишларини кўрсатди (2-жадв.).

Пародонт тўқимаси микроциркуляцияси кўрсаткичлари ($M \pm m$)

Диагноз	ПМ перф.бир.	
	Назорат гуруҳи	КР
Интакт пародонт	17,18±0,52	
	12,25±0,60	10,25±0,44
	<i>σ, перф.бир.</i>	
Интакт пародонт	3,01±0,15	
	1,75±0,05	1,22±0,05
	<i>Kv, в %</i>	
Интакт пародонт	17,52±0,82	
	14,28±0,70	13,75±0,63

Эслатма: - $P < 0,05$ назорат учун

Шундай қилиб, КР билан касалланган беморларнинг σ кўрсаткичи онкопатологияси бўлмаган беморларга нисбатан сезиларли даражада пасайишига кузатилди. Қон билан тўқима перфузияси орасидаги нисбат ва унинг ўзгарувчанлик қиймати (флакс) микро қон-томирларнинг вазомотор фаоллигини характерловчи Кв коэффициенти % да баҳоланган. Беморларнинг барча гуруҳларида КР билан оғриган беморларда микро қон-томирлар вазомотор фаоллигининг пасайиши кўпроқ аниқланган.

Олинган натижалар КР бўлган беморларда пародонт микроциркулятор пассив қон оқими модуляцияси механизмларини юқори даражада камайганлигини кўрсатди.

Рентгенологик текширув натижалар шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги 37 та беморнинг суяк тўқимасида деструктив жараёнлар, турли чуқурликдаги остеопорознинг кенг ўчоқлари ва турли даражадаги алвеоларро ўсиқнинг атрофияси кузатилган. КРда суяк атрофияси билан тишларнинг ўртача сони ва гуруҳларга мос равишда ўртача балл кўрсаткичи 10 ва 28.7 ни ташкил етди, бу еса назорат гуруҳи нисбатан 2 марта кўплигини кўрсатди.

Онкологик касалликлар билан оғриган беморларда пародонт касалликларнинг юқори тарқалиши аниқланди, гингивит эса пародонтитга нисбатан 2 марта кўп учради.

Йўғон ичак раки билан оғриган беморларда пародонт ҳолати ўрганиш агрессив пародонтит 93,3% ҳолларда учради. Унинг таркибида агрессив пародонтит оғир даражаси (АПОД) – 64,5%; ўртача даражадаги агрессив пародонтит (АПЎД) - 20% ва агрессив пародонтитнинг енгил даражаси (АПЕД) - 15,5% ташкил қилган (3-жадв).

Яллиғланиш ва деструктив пародонт тўқимасининг зарарланишининг етакчи омиллари аутоиммун системанинг зарарланганлиги ва тананинг компенсатор имкониятларини сустлашиши билан тахмин қилиш мумкин.

Бу йўғон ичак ракида пародонт зарарланишлар ўзига хослиги тез-тез агрессив зарарланиши, оғир яллиғланиш ва деструктив касалликлар, доимий прогрессив қайталанувчи табиатли эканлигини таъкидлаш лозим.

Онкологик жараённинг давомийлигига қараб пародонт яллиғланиш касалликларининг клиник шакллари (%да)

Гуруҳ, йил, индекс	гингивит	Агрессив пародонтит, даража		
		енгил		
1 йилгача n=10	-	5 (45,4%)	4 (36,4%)	1 (18,2%)
1-3 йил n=17	-	2 (11,7%)	4 (23,5%)	11 (64,8%)
>3 йил n=18	-	-	1 (5,55%)	17 (94,4%)
Жами	42 (93,3%)	7 (15,5%)	9 (20,0%)	29 (64,5%)

Эслатма: - P<0,05 ишончилиги

Оғиз бўшлиғи тўқималарида цитологик ўзгаришлар диагностикаси учун мавжуд усуллардан бири оғиз шиллик қаватининг цитологик суртма орқали ўрганишдир.

Колоректал ракга хос патологик ҳолатларда назорат гуруҳига нисбатан цитограмма параметрларида сезиларли ўзгаришлар аниқланди. Шундай қилиб, асосий гуруҳдаги эпителий ҳужайралари таркиби назорат гуруҳига нисбатан пасайиш кузатилди. Асосий гуруҳдаги эпителий ҳужайралари таркибининг сезиларли даражада пасайиши кузатилиб, бу яллиғланиш ва деструктив ўзгаришларнинг тарқалганлигини кўрсатади (4-жадв).

Милк шиллик қавати цитологик суртмасининг характеристикаси

Ҳужайра элементларининг цитологик кўриниши	Текширув гуруҳи	
	Назорат гуруҳи	Асосий гуруҳ
I. Эпителиал	71,1±3,5	56,84±4,17
Ядроли эпителиал ҳужайралар	31,15±1,97	27,13±1,8*
Ядросиз шохланувчи ҳужайралар	46,95±1,19	29,71±2,3*
II. Бириктирувчи тўқима	17,06±2,18	29,44±3,2
ПМЯЛ	13,6±1,24	23,17±2,1*
Зарарланмаган моноцитлар	1,61±0,17	3,12±0,79*
Голоядроли моноцитлар	1,85±0,21	3,15±1,4*
Фибробластсимонлар	0,00±0,00	0,21±0,03*
III. Цитопатологик касалликлар билан	0,58±0,02	2,89±0,41
Деформацияланган ядро	0,15±0,01	0,64±0,23
Вакуолалашган цитоплазма	0,17±0,03	0,71±0,13
Базофил сақловчи	0,07±0,01	0,05±0,03
Контаминирланган	0,19±0,05	0,90±0,15
Фагоцитозланган	0,00±0,00	0,56±0,11

Эслатма: - P<0,05 ишончилиги

Микроорганизмлар томонидан кантоминирланган ҳужайралар 3 ва 4.7 марта ошди. Базофил киритмаларга ега бўлган ҳужайралар сони, аксинча 1,2 ва 1,4 мартага камайди.

Шунингдек, бириктирувчи тўқима хужайра элементлари сонининг 1,4 ва 1,7 баробарга ўсиш кузатилди. Полиморф ядроли лейкоцит(ПМЯЛ) сифатида яллиғланиш хужайралари сони таққослаш гурухиганисбатан 1,4 баробар ортиши кузатилди.

Мононуклеар моноцитларни ўрганиш асосий гуруҳдаги фоизларининг назорат гуруҳига нисбатан 1,3 баробар ошишини аниқлади, бу яллиғланиш ва деструктив ўзгаришларнинг тарқалишини кўрсатади. Бузилмаган моноцитлар ўсиш динамикасининг бир хил намунасига эга бўлиб, асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан 1,23 марта ошган (7-расм).




7-расм. КР беморларда милк шиллик қавати суртмасининг цитологик характеристикалари

Асосий ва таққослаш гуруҳларида яллиғланиш-деструктив индекс (ВДИ) ва деструктив индекс (ИД) ларнинг таққосланиши натижасида КР беморларнинг пародонт тўқимасида сезиларли даражада аниқ яллиғланиш жараёни мавжудлигини аниқлади. Шундай қилиб, деструкция индекси ва асосий гуруҳдаги яллиғланиш-деструктив индекс қиймати назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ВДИ қиймати 3,5 марта, ИД еса 2,7 марта юқори бўлган. Назорат гуруҳида ВДИ 7.14 ± 1.2 , 24.99 ± 1.7 га ва ИД 25.0 ± 5.2 , 67.5 ± 3.1 га нисбатан.

Шундай қилиб, йўғон ичак раки билан оғриган беморларда милк шиллик қавати суртмаларини цитологик тадқиқотлар ёрдамида, клиник белгиларнинг намоён бўлинишигача ОБШҚ тўқималарда яллиғланиш жараёни бошланишини тахмин қилиш мумкин. Яллиғланиш жараёнининг ривожланиши билан эпителиал хужайралар сони ва цитопатология кўринишлари кўпайди, эпителиал хужайраларда цитопатологиянинг ҳар хил турлари комбинациялари частотаси ҳам ортди. Шунинг учун цитологик усул пародонт тўқималари ҳолатини унинг клиник белгиларини намоён бўлишидан олдин ҳам яллиғланиш жараённинг дастлабки белгиларини эрта ташхислаш учун фойдаланиш мумкин. Беморларда милк шиллик қаватининг эпителийсини цитологик текшириш кўрсаткичлари нафақат ривожланишни башорат қилиш имконини беради, балки даволаш самарадорлигини аниқлаш учун мезон бўлиб хизмат қилади.

Йўғон ичак ракида оғиз шиллик қаватининг ярали зарарланишини морфологик ўрганиш натижасида ўзгаришларнинг энг кўп намоён бўлиши

некротларнинг ривожланиши ва эпителийнинг ярали нуқсонлари, лейкоплакия, акантоз, митотик фаоллик шаклидаги ўртача ясси эпителий дисплазияси белгилари, базал қават хужайраларининг нобуд бўлиши билан характерланади. Йўғон ичак ракида оғиз шиллиқ қаватининг юқорида қайд етилган морфологик ўзгаришлари ошқозон-ичак тракти неопластик зарарланиши билан оғриган беморларнинг клиник маълумотлари билан боғлиқ бўлими мумкинлигини кўрсатади (8-расм).



8-расм. Чап лунж соҳаси ОБШҚ. Гематоксалин ва эозин билан бўялган. Катта. 100x1,25.

